# "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида кўргазмали тадбир ташкил этилди.

Данғара тумани ҳокимлиги ҳамда  Фавқулодда вазиятлар туман бўлими билан ҳамкорликда ДХХ чегара қўшинларига қарашли  ҳарбий қисмида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида кўргазмали тадбир ташкил этилди.

Тадбирда  Данғара тумани ҳокимининг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси, Фавқулодда вазиятлар туман бўлими ходимлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбир давомида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида иситиш печлари ва газ мосламаларидан фойдаланиш қоидалари, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши, фуқароларни ис газидан заҳарланиши ва бошқа нохуш ҳолатларни олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари айтиб ўтилди.